

Мусулмон Шарки шеърияти тарихини Алишер Навоий лирикасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг лирик мероси ўзигача яратилган форс-тожик ва туркий шеъриятнинг давоми бўлиш билан бирга барча замонлардаги ўзбек шеъриятининг энг юксак чўккиси хамдир. Хар иккала тилда юксак бадиий асарлар яратса олиш кобилиятига эга бўлган хассос шоир 45 минг мисрага якин туркий тилдаги шеърлари ва 12 минг мисрадан ортик форс-тожик тилидаги назмий мероси билан ўша давр шеърияти ривожига катта хисса кўшди.

Алишер Навоий болалик йиллариданок бадиий ижод билан шугуллана бошлаган. “Уч ёш била тўрт ёшнинг орасида

” форсигўй адаб Косим Анворнинг байтини ёд ўкиб, йигилганларни хайратда колдирган (“Мажолисун нафоис”) Алишер 15 ёшларида “малику-л-калом” Лутфийнинг тахсинига сазовор бўлади. Адабиёт ихлосмандлари ундан девон тузишни илтимос килганларида, у гоят камтарлик юзасидан девон тузиш учун хали вакт эрта деб хисоблайди. Шунда шоирнинг муҳлислари 1465-66 йилларда унинг шеърларини тўплаб, девон тузадилар ва бу девон ўз даврида “хаттотлар сultonи” номи билан машхур бўлган Султонали Машҳадий

томонидан настаълик хатида кўчирилади. Навоийнинг ўзи “Бадоеъу-л-бидоя”га ёзган дебочасида “...

аммо халойик аросида минг байт-икки минг байт ортугрок, ўксукракким ўзлари жамъ килиб эрдилар, багоят машхур бўлуб эрди

”, – деб ёзади. Девон уни нашрга тайёрлаган адабиётшунос олим Хамид Сулаймонов томонидан шартли равишда “Илк девон” деб номланган бўлиб, 391 газал, 41 рубоий, 1 мустазод, 1 муҳаммас – жами 434 шеърдан ташкил топган.

Девонга шоирнинг 1466 йилдан аввал ёзилган асарлари киргани учун ундағи шеърларнинг ёзилиш санаси нисбатан аник деб хисоблаш мумкин, шу сабабли бу девон шоирнинг ўспиринлик ва йигитлик давридаги ижоди ва таржимаи холи хакида муайян тасаввур берувчи манба сифатида юксак кийматга эга. Девондаги газалларни кузатар эканмиз, бугунги кунда халқ орасида машхур бўлган куйидаги газаллар айнан шоир ижодининг илк даврида яратилганлигига гувоҳ бўламиз:

*Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,*

*Кўзларимга кеча тонг откунча уйку келмади...*

*Кўргали хуснунгни зору мубтало бўлдум санго,*

*Не балолиг кун эдиким ошно бўлдум санго...*

Навоий фалсафий тафаккурида муҳим кийматга эга бўлган “Анго” радифли газалнинг хам айнан шу девондан ўрин олганлиги шоирнинг ўша даврдаги юксак салохиятидан дарак беради. Газал матлаъсини келтирамиз:

*Хар гадоким, бўриёйи фактэр эрур кисват анго,*

*Салтанат зарбофтидин хожат эмас хилъят анго.*

“Илк девон”даги барча шеърларнинг кейинчалик “Хазойину-л- маоний”га киритилганлиги уларнинг Алишер Навоий учун хам кадрли бўлганлигини кўрсатади.

Навоийшунос олим, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов жаҳон кўлёзма фондларида сакланаётган нусхаларни ўрганиш асносида Алишер Навоийнинг ихлосмандлари томонидан тузилган яна бир девони кўлёзмасини аниклаб, 2012 йилда фанга маълум килди. Мазкур девон шоирнинг Оккуюнлилар сулоласи (Озарбайжон ва Гарбий Эрон худудида 1378-1508 йилларда хукмронлик килган ўгуз турклари) хукмронлиги худудидаги мухлислари томонидан тузилган бўлиб, хозирча фанда шартли равиша “Оккуюнлилар девони” номи билан юритилмоқда.

Девон 1471 йил 25 декабря Анисий тахаллуси билан шеърлар ёзган шоир ва хаттот Абдурахим ибн Абдурахмон Хоразмий томонидан Оккуюнлилар салтанатининг марказларидан бири бўлган Шероз шахрида кўчирилган. Девонда жами 229 та шеър бор: 224 газал, 1 мустазод, 3 мухаммас ва 1 таржеъбанд. Бу мажмуадаги 224 газалдан 217 таси “Бадоеъу-л-бидоя”га ва факат биттасигина “

Наводиру-н-нихоя

”га ўтган

. Девондаг

и

9

0

%

газал «Илк девон»да учрамайди. Бу холат мазкур газаллар нинг катта кисми

1466

йилдан кейинги 5 йил орасида (1471

йилгача) яратилганлигини кўрсатади.

Авваллари Алишер Навоийнинг туркий тилдаги шеърияти 4 боскичда: “Илк девон”,

“Бадоеъу-л-бидоя”,

“Наводиру-н-нихоя”,

“Хазойину-л-маоний” тарзида ўрганилиб келинарди.

Эндиликда мазкур девон топилгандан сўнг Алишер Навоий шеъриятини беш боскичда ўрганишга зарурат сезилади. Буни куйидаги жадвалда кўриш мумкин:

**Боскичлар**

**Навоий девонлари**

**Тузилиш муддати**

I

**Илк девон**

1465	-	66
------	---	----

II

**Оккуюнлилар девони**

**1471**

III

**Бадоель-л-бидоя**

1470	-	80
------	---	----

IV

Наводиру-н-нихоя

1480	-	87
------	---	----

V

Хазойину-л-маоний

1492	-	98
------	---	----

Оккуюнлилар салтанатининг асосий ахолиси ўгуз турклари бўлгани учун мазкур кўлёзмада Алишер Навоий шеърлари ўгуз лахжасига мослаштирилиб кўчирилган. Масалан, Навоийнинг машхур газали матлаъси ушбу девонда куйидаги холатда учрайди:

*Мехр чўх курсатдим, аммо меҳрибоне **допмадим**,*

*Жон басе килдим фидо, ороми жоне **допмадим**.*

Оккуюнлилар девони хозирда Мисрнинг Кохира шахрида сакланмоқда.

Алишер Навоий Хусайн Бойкаро таҳтга чикканидан кейин унинг топшириги билан ўзининг биринчи расмий девони “Бадоеъу-л-бидоя” (“Бадийликнинг бошланиши”)ни тартиб беради. Девоннинг Алишер Навоий хаётлик даврида (1480, 1482 ва 1486 йилларда) кўчирилган нусхалари Париж Миллий кутубхонасида (1480 йил, инв.№ 746), Британия музейида (1482 йил, инв.№ 401) ва Тошкент шахрида (1486 йил, инв.№ 216, асос нусха) сакланади. Девон мазкур нусхалар асосида филология фанлари номзодлари Ш.Шарипов ва М.Рахматуллаевалар томонидан нашрга тайёрланган (МАТ, 1-жилд).

Шоир бу девони учун маҳсус дебоча хам ёзиб, унда девон тартиб бериш масалалариға тўхталади ва куйидаги хусусиятларни алоҳида кўрсатиб ўтади:

1. “*Аввал будурким, хар кишиким девон тартиб килибдурур, ўттиз икки харфдинки, халойик иборатида вокиъдурур ва улус китобатида шойиъ, тўрт харфга таарруз килмайдурурлар...*

2. *Яна буким, хар харф газалиётининг аввал битиган газал била ўзга газаллар орасида услуг хайсиятидин тафовут риоят килмайдурурлар. Мукаррардурким, хар амрда бир лахза хак субхонаху ва таоло хамдидин ё расул алайхиссалом наътидин, ё бу икки ишга далолат килурдек бир амрдин гоғил бўлмамоглик авлодур...*

3. Яна бир буким, гўйиё баъзи эл ашъор тахсилидин ва девон такмилидин гараз мажозий хусну жамол тавсифи ва максуд зохирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдуурлар. Девон топилгайким, анда маърифатомиз бир газал топилмагай ва газал бўлгайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмагай...

4. Яна буким, сойир давовинда расмий газал услубидинким, шойиъдуур, тажовуз килиб, маҳсус навъларда сўз арусининг жилвасига намойиш ва жамолига оройиш бермайдуурлар. Ва агар ахёнан матлаъе маҳсус навъда вокиъ бўлгон бўлса, хамул матлаъ услуги била итмол хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдуурлар, балки тугангунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлик килса, яна бири фирор ҳазонида хорнамойлик килибдуур... Ул жихатдин саъй килиндиким, хар мазмунда матлаъе вокиъ бўлса, аксар андог бўлгайким, мактаъгача сурат хайсиятидин мувофик ва маъни жонибидин мутобик тушкай ”.

Алишер Навоий бу ўринда девонни газаллар билан бошлиш, газалларни 28 ҳарф эмас, балки 32 ҳарф (Ҷ – чим, Й – же, Г – гоф ва Л – лом-алифни хам кўшган холда) билан тугаллаш зарурлиги, девонга даставвал Аллоҳга хамд ёки Пайгамбарга наът мавзусидаги газалларни жойлаштириш, газалларга маърифат ва мавъиза мавзуларига доир байтлар киритиш, газал матлаъсида келтирилган фикрни мактаъгача ривожлантириб бориш ва албатта, девонга жанр жихатдан ранг-баранг шеърларни киритишни назарда тутади.

Алишер Навоийнинг мазкур девони айнан юкоридаги конун-коидаларга амал килинган холда тартиб берилган бўлиб, унда 11 жанрга оид жами 1046 та шеър мавжуд. Девонга шеърлар куйидаги тартибда жойлаштирилган: газал – 777 та, мустазод – 3 та, мухаммас – 5 та, саддас – 2 та, таржиъбанд – 3 та, китъа – 46 та, рубой – 85 та, лугз – 10 та, муаммо – 52 та, туюк – 10 та, фард – 53 та.

Алишер Навоий тузган иккинчи расмий девони “Наводиру-н-нихоя” (“Бехад нодирликлар”) деб аталиб, 1480-1487 йиллар оралигига тузилган. Девоннинг 1487 йилда Хиротда машхур хаттот Абдужамил котиб томонидан кўчирилган нодир кўлёзма нусхаси хозирда ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (инв. №11675, асос нусха) сакланмоқда. Шунингдек, девоннинг яна бир нисбатан тўлиқ нусхаси Султон Али Машҳадий томонидан Хиротда кўчирилган бўлиб, бу нусха хам хозирда ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (инв. №1995) сакланади. “Наводиру-н-нихоя” девони матни мазкур нусхалар асосида филология

фанлари номзоди М.Рахматуллаева томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, унда 862 шеър бор (МАТ, 2 жилд). Мазкур нашрдан ўрин олган шеърларнинг барчаси газал жанрига оид. Ушбу девондаги 64 газал “Гаройибу-с-сигар”га, 331 газал “Наводиру-ш-шабоб”га, 213 газал “Бадоеъу-л-васат”га ва 196 газал “Фавойиду-л-кибар”га киритилган. Хазрат Навоий “Наводиру-н-нихоя”даги газалларни кейинчалик “Хазойину-л-маоний”га киритганда кўпинча уларни таҳрир килган, баъзи газалларнинг факат матлаъсини саклаб колиб, колган байтларини бутунлай ўзгартирган [1].

Девон Навоийнинг хамд мазмунидаги машхур газали билан бошланади:

*Зихи зухури жамолинг куёш киби пайдо,*

*Юзунг куёшига зарроти кавн ўлуб шайдо.*

Алишер Навоий 1492-1498 йилларда Хусайн Бойкаронинг таклифи билан ўзининг барча шеърлари, жумладан, аввалги расмий девонларига кирган шеърларини хам тўплаб, “Хазойину-л-маоний” (“Маънолар хазинаси”) номли йирик куллиёт яратади. Куллиёт тўрт девонни ўз ичига олганлиги учун “Чор девон” деб хам юритилади. Куллиётнинг Санкт-Петербург (1498-99, инв. Хаников-55; 1592-96, инв. Дорн-558), Истамбул (1495-97, хаттот Дарвеш Мухаммад Токий кўчирган, инв. № 808), Париж (1525-27, котиб ал-Хижроний кўчирган, инв. № 316-317) нусхалари мавжуд бўлиб, улар асосида профессор X.Сулаймонов куллиётнинг илмий-танқидий матнини яратди (1959-60). Мазкур матн МАТнинг 3-6 жилларини ташкил этувчи девонлар учун асос бўлган.

Алишер Навоий тўрт девоннинг хар бирига инсон умрининг фаслларига мослаб ном

берди. Шу маънода 7-8 ёшдан 20 ёшгача бўлган даврни инсон умрининг баҳори деб атади ва куллиётнинг биринчи девонини “Гаройибу-с-сигар” (“Болалик гаройиботлари”) деб номлади. 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган даврни инсон умрининг ёзи деб белгилади ва “Наводиру-ш-шабоб” (“Иигитлик нодирликлари”) деб атади. 35-45 ёшни умрининг кузига киёс этди ва “Бадоеъу-л-васат” (“Ўрта ёш гўзалликлари”) деб номлади. 45-60 ёшини умрининг кишига ўхшатиб, “Фавойиду-л-кибар” (“Кексалик фойдалари”) деб атади. Хар бир девонга 650 тадан газал киритди, шунга мувофик бошка шеърий жанрларга хам жой ажратди.

Олим X.Сулаймоновнинг изланишлари шуни кўрсатадики, Навоий “Хазойину-л-маоний” куллиётини тузиш устида бир неча йил тинимсиз меҳнат килган ва 1498 йилдагина уни хозирги холатда тугал тарзда якунлаган. Навоий куллиёт девонларини ўзаро ички мустахкам баглик холда ва катъий мутаносиблиқда тузадики, уларга кейинчалик бирорта газал киритиш ёки девонлар таркибидан тушириб колдириш ва хатто ички ўрнини алмаштириш хам мумкин бўлмаган.

“Хазойину-л-маоний” куллиётининг ички тузилиши жахатидан нихоятда мустахкам тарзда тартиб берилганлигини шундан тасаввур килиш мумкинки, Алишер Навоий ундаги тўрт девоннинг хар бирига тенг микдорда 650 тадан газал жойлаштиргангина эмас, балки шу билан бирга, шу газалларнинг кофияланишига кўра хам хар бир девонда ўзаро тенг ва катъий мутаносиб бўлишига жиддий ахамият берган. Яъни, “алиф” харфи билан тугалланувчи кофия ва радифли газаллар тўртала девонда хам 39 тадан, “бे” харфи билан тугалланувчи кофия ва радифли газаллар 27 тадан ва х.к. тенг тарзда учрайди.

Ёки яна бир мисол. “Хазойину-л-маоний” куллиётида хаммаси бўлиб “Анго” радифли 12 газал мавжуд. Бу газаллар тўртала девонга учтадан тенг тарзда таксимланган. Шунингдек, улар хар бир девонда бир ўринда, яъни 8-9- 10 ўринларда жойлаштирилган. Буларнинг барчаси куллиётнинг нихоятда мустахкам тартибда ўзаро мутаносиб холатда тузилганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий “Хазойину-л-маоний” куллиёти такмилини 1498 йилда тугатгандан сўнг бу санадан кейинги йилларда хам юксак ижодий суръат билан ишлашда давом этган. Шоирнинг ўзи куллиёт дебочасида гувохлик беришича, бир кунда бир-икки, баъзан уч-тўрт газал ёзган пайтлари хам бўлган:

*Кун бор эдики бир газалу икки газал,*

*Бал уч газалу тўрт газал баъзи махал...*

Навоийшунос А.Абдугафуровнинг ёзишича, Навоий хаётининг сўнгги йилларида хам ана шундай катта илхом ва жиддий суръат билан баракали калам тебратган ва кейинги икки йилдан ортиқ вакт давомида кўплаб газал, китъа, рубоий, мухаммас ва бошка лирик жанрларда асарлар яратган [2]. Олим бу лирик шеърлар ўрин олган бир неча манбаларни келтиради:

1. “Мухокамату-л-лугатайн”да шоир ўзбек адабиёти ва жонли сўзлашув тилининг бойлигини кўрсатиш максадида кўплаб сўз ва ибораларнинг ёзма адабиётда ишлатилишига мисол тарикасида ўз шеъриятидан байтлар келтиради. Келтирилган байтларнинг аксарияти тахаллус билан якунланувчи мактаъ эканлиги хазрат Навоийнинг мазкур газали тугал холда мавжуд бўлганлигини кўрсатади.
2. Баъзи тазкиралар, хусусан, Хасанхожа Нисорийнинг “Музаккири ахбоб” тазкирасида келтирилган мактаъ байт Навоий девонларининг хеч бирида учрамайди.
3. Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Рисолаи аruz” асарида Навоий ижодидан рамал баҳри учун мисол тарикасида келтирилган кирк олти газал матлаъларининг биттаси куллиёт таркибиға кирмаганлигининг гувоҳи бўламиз.
4. Алишер Навоий асарларига XV-XVIII асрларда тузилган лугатлар, хусусан, “Бадоеъу-л-лугат”, “Абушка”, “Санглох” лугатларида кўплаб сўзларнинг изохи учун келтирилган айрим мисол байтлар хам “Хазойину-л-маоний”да учрамайди.
5. Алишер Навоий газалларига битилган кўплаб тахмислар таркибидаги шоир каламига мансуб байтлар ажратиб олинганда уларнинг баъзилари “Хазойину-л-маоний” куллиётида мавжуд эмаслиги маълум бўлади [3].

Буларнинг барчаси Алишер Навоий умрининг сўнгги йилларида хам ижод килишдан бир лахза тўхтамаганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий форсий тилда битган шеърларини хам йигиб, "Девони Фоний" номли тўплам тузди. Бизгача девоннинг бир неча кўлёзма нусхалари етиб келган. Булардан 2 таси Париж (инв. № 285, 1345), 2 таси Туркия (инв. № 3850, 1952), ва бир нусха Техрон (инв. № 15002) кутубхоналарида сакланади. Бу нусхалар орасида Париждаги 285 ракамли кўлёзма нисбатан мукаммал хисобланади [4]. Академик Б.Валихўжаев "Девони Фоний" нусхаларини ўрганиб чикиб, улардаги шеърий жанрлар микдорини куйидагича деб кўрсатади: 10 касида, 554 газал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 китъа, 73 рубоий, 16 таърих, 373 муаммо, 9 лугз. Олим уларнинг микдорини 1109 та деб белгилаб, умумий хажми 6179 байт эканлигини таъкидлайди.

Кўринганидек, Алишер Навоийнинг барча шеърий мероси 9 девонда жам бўлган бўлиб, уларнинг иккитаси ихлосмандлари томонидан тузилганлиги Навоий шеърларига хамма даврларда, хусусан, ўз даврида хам юкори даражада эҳтиёж бўлганлигидан дарак беради.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987-1988. 1-2-жиллар.
2. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1988-1990. 3-6-жиллар.
3. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2003. 20- жилд.
4. Навоий Алишер. Айёми висол ўлди яна: Янги топилган газаллар (Нашрга тайёрловчи Ф.Сулаймонова). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.

5. Навоий Алишер. Хазойинул маоний (Илмий-танкидий текст асосида нашрга тайёрловчи Х.Сулаймонов). 4 жилдлик. 1-4-жилдлар. – Т.: Фан, 1959-1960.
  6. Исхоков Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси: Филол. фан.номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссерт. – Т., 1963.
  7. А.Абдугафуров. “Хазойину-л-маоний”дан четда колган газаллар// Навоийнинг ижод олами (маколалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.
  8. Эркинов А. Навоийнинг муҳлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: Фан, 2012. – № 1.
  9. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Т.: Фан, 1977.
- 

[1] 80-йиллар охирида адабиётшунос олим Суйима Ганиева ушбу девоннинг Навоий муҳри босилган нотугал сурат – нусхасини Эрон Ислом Республикасидан олиб келди. Бу нусха “Навоий дастхати” номи билан 1991 йилда эълон килинди.

[2] Адабиётшунос Ф.Сулаймонова Алишер Навоийнинг “Хазойину-л-маоний” куллиётига кирмаган шеърларини тўплаб, “Айёми висол ўлди яна” номи билан нашр эттириди. Мазкур тўпламга Алишер Навоийнинг 61 газали, 2 рубоийси, 7 китъаси ва 4 фарди киритилган. МАТнинг 20-жилдига илова тарзида киритилган кисмда Алишер Навоийнинг ушбу шеърларидан ташкири Хусайнин газалига тахмиси ва турли манбаларда учрайдиган шеърий парча хамда байтлари келтирилган.

[3] Адабиётшунос олим А.Эркиновнинг таъқидлашича, Алишер Навоийнинг муҳлислари

томонидан тузилган Оккуюнлилар девони таркибида хам “Хазойину-л-маоний” куллиётига кирмаган 2 газал мавжуд.

[4] Профессор Х.Сулаймон “Девони Фоний” нусхаларини ўрганиш асносида шундай хулосага келган.

Дилнавоз Юсупова